



ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА
ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ
11 ДЕКАБРАН
ЧИҚА БОШЛАГАН.
№ 234 (7124).
7
ДЕКАБРЬ
Ж У М А
1979 ЙИЛ.
Баҳоси 2 тийин.

ТУҲҚИЗИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН
ССР ОЛИЙ СОВЕТИ УНИНЧИ СЕССИЯСИ
НИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Туҳқизинчи чакриқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг
унинчи сессияси бугун — 7 декабрь соат 10 да Ўзбеки-
стон Компартияси Марказий Комитетининг мажлислар за-
лида очилади.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутатлари Ўзе-
кистон Компартияси Марказий Комитетининг мажлислар
залида соат 9 дан руйхатга олинади.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ
ОҚСОҒОЛЛАР КЕНГАШИНИНГ
МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Оқсоғоллар кенгашининг
мажлиси бугун — 7 декабрь соат 9 дан 30 минут ўтган-
да Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг маж-
лислар залида бўлади.

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг пленуми тўғрисида ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

1979 йил 6 декабрь кунин Ўзбекистон Коммунист-
тик партияси Марказий Комитетининг XV плену-
ми бўлди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзо-
лигида кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марка-
зий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Ра-
шидов «КПСС Марказий Комитети 1979 йил но-
ябрь Пленумининг яқунлари ва республика партия
ташкilotининг КПСС Марказий Комитети Плену-
ми қарорларидан ва КПСС Марказий Комите-
ти Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг
Пленумда сўзлаган нутқида берган йўл-йўриқлари-
дан келиб чиқадиган вазифалари тўғрисида» док-
лад қилди.

Пленум Ўзбекистон ССР Министрлар Совети
Раисининг ўринбосари, Ўзбекистон ССР Госплани
раиси ўртоқ Қ. А. Аҳмедовнинг «Ўзбекистон ССРни
иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1980
йилги Давлат плани ҳақидаги» докладини, Ўзбеки-
стон ССР молия министри ўртоқ В. Муродхўжаев-
нинг «Ўзбекистон ССРнинг 1980 йилги Давлат
бюджети тўғрисида ва Ўзбекистон ССРнинг 1978

йилги Давлат бюджетининг ижроси ҳақида»ги
докладини тинглади.

Музокараларда: Қорақалпоғистон область пар-
тия комитетининг биринчи секретари Қ. Камолов,
Тошкент шаҳар партия комитетининг иккинчи се-
кретари К. П. Дудин, Самарқанд область партия
комитетининг биринчи секретари Б. Р. Раҳимов,
Фарғона область партия комитетининг биринчи
секретари Ҳ. Умаров, Янгийўл шаҳар партия ко-
митетининг биринчи секретари В. И. Рибалко, Ўзе-
кистон ССР Фарғона академиясининг президенти
О. С. Соҳибов, Сирдарё область партия комитети-
нинг биринчи секретари В. А. Ҳайдулов, Наманган
область партия комитетининг биринчи секретари
М. Камолов, Ўзбекистон ССР енгил саноат минис-
три М. Ҳ. Курбонов, Ўрта Осиё темир йўл бошқар-
масининг бошлиғи А. М. Қодиров ўртоқлар сўзга
чиқдилар.

Пленум «КПСС Марказий Комитети билан
СССР Министрлар Советининг «Ўзбекистон ССР-
да қорвчиликни ривожлантиришни жадаллашти-

риш тадбирлари тўғрисида»ги 1979 йил 26 июль
қарорини бажариш соҳасида республика партия
ташкilotининг вазифалари ҳақида» Ўзбекистон
Компартияси Марказий Комитети XIV пленуми-
нинг қарорини бажариш юзасидан Тошкент ва
Қашқадарё область партия комитетларининг ҳисо-
ботларини тинглади. Тошкент область партия ко-
митетининг биринчи секретари М. М. Мухомонов
ва Қашқадарё область партия комитетининг бирин-
чи секретари ўртоқ Р. Ғ. Ғоибов ҳисобот бердилар.

Ҳисоботларни муҳокама этишда Андижон об-
ласть партия комитетининг биринчи секретари
С. М. Мамарасулов, Бухоро область партия коми-
тетининг биринчи секретари А. К. Қаримов, Жиз-
зах область партия комитетининг биринчи секре-
тари Т. Б. Боймиров, Қумқўрғон район партия ко-
митетининг биринчи секретари Ч. А. Алмазов, Хо-
разм область ижроия комитетининг раиси Р. Иш-
чанов, Тошкент районидаги «Ўзбекистон ССР 50
йиллиги» қолхозининг сўт соғувчиси М. Исоқова,
Ўзбекистон ССР қишлоқ ҳўжалиги министри А. А.
Ўркинбоев ўртоқлар қатнашдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети-
нинг пленуми ташкилий масалаларни кўриб чиқди.
Пленум ўртоқ Д. Ҳўжаев пенсияга чиққанлиги
муносабати билан уни Ўзбекистон Компартияси
Марказий Комитети ҳузуридаги партия комиссия-
си раиси вазифасидан озод қилди. Пленум ўртоқ
У. Отакуловни Ўзбекистон Компартияси Марказий
Комитети ҳузуридаги партия комиссиясининг раи-
си қилиб тасдиқлади.

Ўртоқ М. Йўлдошев бошқа ишга ўтганлиги му-
носабати билан пленум уни Ўзбекистон Компар-
тияси Марказий Комитети енгил саноат ва озиқ-
овқат саноати бўлимининг мудир вазифасидан
озод қилди.

Ўртоқ Ш. Р. Рашидов пленумда яқунловчи нутқ
сўзлади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети-
нинг пленуми муҳокама этилган масалалар юзаси-
дан тегишли қарорлар қабул қилди.

Шу билан Ўзбекистон Компартияси Марказий
Комитетининг пленуми ўз ишини тутатди.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ XV ПЛЕНУМИНИНГ ҚАРОРИ

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ 1979 ЙИЛ НОЯБРЬ ПЛЕНУМИНИНГ ЯҚУНЛАРИ ВА
РЕСПУБЛИКА ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИНИНГ КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ПЛЕНУМИ
ҚАРОРЛАРИДАН ВА КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ БОШ СЕКРЕТАРИ ЎРТОҚ Л. И.
БРЕЖНЕВНИНГ ПЛЕНУМДА СЎЗЛАГАН НУТҚИДА БЕРГАН ЙЎЛ-
ЙЎРИҚЛАРИДАН КЕЛИБ ЧИҚАДИГАН ВАЗИФАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

1. КПСС Марказий Ко-
митети 1979 йил ноябрь
Пленумининг «СССРни иқ-
тисодий ва социал ривож-
лантиришнинг 1980 йилги
Давлат бюджети лойиҳалари
тўғрисидаги» қарори, КПСС
Марказий Комитети Бош
секретари ўртоқ Л. И.
Брежневнинг Пленумда сўз-
лаган нутқида баён
этилган қарорлар ва ҳу-
лосалар тўла-тўғис маъзу-
ласини ҳамда амал қилиш
ва ижро этиш учун
қарорларни амалга ошириш
соҳасида куч-гайратни со-
биб қадимли билан кучайти-
риш, қишлоқ ҳўжалик қор-
наларининг моддий-техника
базасини қатъий билан
мустаҳкамлаш керак. Ўртоқ
Л. И. Брежневнинг таъкид-
номасига амалий ишлар
билан жавоб қайтариш, пах-
та етиштириш юзасидан
беш йиллик планини оши-
риб бажариш, қорвачи-
ликни зўр ғайрат билан
ривожлантириш, чорва ва
парранда маҳсулдорлигини
кўпайтириш — Ўзбекистон
коммунистларининг, барча
меҳнаткашларининг, бури-
дир. Деҳқончилик ва чорва-
чилик маҳсулотларини харид
қилиш юзасидан 1980 йилги
планиларнинг тўла ва ошириб
бажарилиши таъминлансин.

Капитал қурилишда иш-
ларнинг аҳволини қатъий
яхшилаш, янгидан қуришга
киришылган объектларнинг
соқини қамайтириш, куч ва
маблағларни ишга тушири-
ладиган объектларга ҳамда иш-
лаб турган қорвоналарни ре-
конструкция қилишга жам-
лаш лозим. Қарши ва Жиз-
зах дашларини жадаллашти-
риш, Туяньуйи ва Андижон
суб омборлари қурилишини
ниҳослорга етказиш, Сирдарё
ГРЭСини, Ўзбекистон метал-
лургия комбинатини, Олма-
диқ кон-металлургия комби-

натини ва Тошкент трактор
заводини кенгайтириш би-
ринчи галдаги вазифалар-
дир.

3. Ўзбекистон Компартия-
си Марказий Комитетининг
пленуми партия ташкилотла-
ри зиммасига партиянинг
принципал йўл-йўриқлари
руҳида иш услуби ва метод-
ларини қўйиб билан тақомил-
лаштириш, ҳал қилинадиган
халқ ҳўжалик вазифаларига
тадиққан ташкилий, омма-
вий-сиёсий, идеология иш-
лар томонлама яхшилаш, бу
ишни омманинг таъаббуси ва
меҳнат активлигини ҳар то-
монлама ривожлантиришга,
ташкilotчилик ва иттифоқ-
чи оидиришга, партия режа-
ларини муваффақиятли рў-
ёбга чиқариш учун қарларни
кучайтиришга сафарбар этиш
вазифасини юклайди. Партия
комитетлари, совет ва ҳўжа-
лик органлари план топи-
риқларининг қабул қилинган
қарорларининг бажарилиши
устидан контролни кучайтири-
ладу ва қаттиқроқ қилиб
қўйишлари керак. Республи-
ка область, шаҳар ва район
партия комитетлари, минис-
трликлари ва идоралари юк-
сак талабчанлик, ишга ижо-
дий ёндашиш, вазиятини
уқиб бу соҳасига жавобгар
бўлган раҳбарларнинг ҳисо-
ботларини тез-тез тинглаб
тутишлари лозим. Ижронини
тешириш соҳасидаги ташки-
лотчилик иш кун сайини
кучайтирилиши, ҳўжасизлик,
планини бажармаслик ҳўла-
рига ҳамда иш вақтида чора
қўрилиши. Республика халқ
контроли органларининг иш
тақомиллаштирилиши, бу ор-
ганлар партия директивала-
рининг, совет қонунларининг,
ҳўкумат қарорларининг ба-
жарилишини мунтазам тек-

шириб туришларига, комму-
нистик қурилишнинг ҳамма
соҳаларига ишнинг яхшила-
нишига фаол қўмақлашиш-
ларига эришиш керак.

В. И. Ленин тутилган кун-
нинг 110 йиллигини муносаб
қутуб олиш учун, ўзининг
беш йиллиқни муваффақият-
ли туталлаш учун социалис-
тик мусобақани кенг ва ак-
тив аж олдириш зарур.

4. КПСС Марказий Коми-
тети 1979 йил ноябрь Плену-
мининг яқунлари ҳамда Плену-
м қарорларидан, ўртоқ
Л. И. Брежневнинг Пленумда
сўзлаган нутқида баён
этилган қарорлар ва ҳуло-
салардан келиб чиқадиган ва-
зифалар область, шаҳар ва
район партия комитетлари-
нинг пленумларида, актив
йигилишларида, шунингдек
барча бошланғич партия
ташкilotларининг ва меҳ-
нат коллективларининг йи-
гилишларида муҳокама қи-
линсин. Ана шу муҳокама
қилиш талабчан, амалий руҳ-
да бўлиши учун, белгилан-
диган тадбирлар эса гоят
конкрет бўлиши ҳамда КПСС
Марказий Комитети белгилан-
ган вазифаларини моҳияти
ва руҳида тўла-тўғис со б-
лиши учун гомхўрлик қи-
лиш зарур.

Ўзбекистон Компартияси
Марказий Комитетининг пле-
нуми қатъий ишонч билди-
радими, Ўзбекистон ССР иш-
чилари, қолхозчилари, зиё-
лилари, барча меҳнаткашла-
ри КПСС Марказий Комите-
тининг сиёсий раҳбарлиги-
да совет давлатининг иқти-
содий қудратини янада му-
стаҳкамлаш учун курашда
куч-гайратларини қўлайтира-
дилар. Ўзининг беш йиллиқ-
нинг яқунловчи йилини зарб-
дорларча ишлаш йиллига,
леянига ишлаш йиллига айлан-
тирадилар.

Самийни таъкидномаси
учун, меҳнатийизга юксак
баҳу берилганлиги учун пле-
нум иштирокчилари номи-
дан, Ўзбекистон коммунист-
лари, барча меҳнаткашлари
номидан азиз Леонид Ильич
Брежневга сийқиллаш мин-
натдорчилиқ сўзларини иш-
тор этишга ва унга сийқат-
саломатлик, битмас-тутанмас
куч-гайрат, совет халқининг
бахт-саодати йўлидаги, мам-
лакатимизда коммунизм тан-
танаси йўлидаги тинимсиз
фаолиятида янги катта за-
фарлар тилашга руҳсат бер-
гисиз, деди Ш. Р. Раши-
дов.

Совет Ўзбекистонининг
коммунистлари, барча меҳ-
наткашлари, ота-она меҳ-
натчиликка жавобан янада
яхшироқ, янада самаралар
ишлайдилар. Шояли Ленин
партияимизнинг барча улгу-
вор режаларини шараф бил-
ан ва муносиб даражада
бажариш учун зарур бўлган
ҳамма ишларни қилдилар,
деб КПСС Марказий Комите-
ти, СССР Олий Совети Пре-

зидиуми ва Министрлар Со-
ветини ишонтиришга ижозат
бергисиз.

Ўртоқлар! 1979 йил тугай
деб қолди. Бу йил тарихга
мамлакатимизнинг иқтисодий
қудрати ўсган, унинг халқаро
майдондаги сиёсий обрў-
этибори ва таъсири мустаҳ-
камланган йил бўлиб қира-
ди. Совет кишилари ўзла-
рининг қадромона меҳнати
билан КПСС XXV съезди-
нинг қарорларини, ўзининг
беш йиллик планиларини му-
ваффақиятли амалга ошир-
моқдалар.

КПСС Марказий Комитети
съезд белгилла берган со-
циал-иқтисодий программани
ишчил амалга ошира бориб,
бу программанинг бажарили-
шини чуқур анализ қилди,
тўпланган таърибни ҳисоб-
га олади, янги, янада мурак-
каб вазифаларни ўз вақтида
илгари сурди. Бу вазифа-
ларни ҳал этиш йўлларини
белгиллади. КПСС Марказий
Комитетининг ҳали яқинла-
гина тамом бўлган 1979 йил
ноябрь Пленуми бунни яна
бир марта яққол тасдиқла-
ди.

ТОҶИКИСТОН ПАХТАКОРЛАРИНИНГ ҒАЛАБАСИ

ТОҶИКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ
ТОҶИКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ
ТОҶИКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИГА
Тожикистон ССР қишлоқ ҳўжалиги ва сув ҳўжалиги меҳнатчиларига, олимлари
ва мутахассисларига, партия, совет, касаба союз ва комсомол органларининг
ходимларига, барча меҳнаткашларига

Азиз ўртоқлар!
Тожикистон қишлоқ ҳўжалиги меҳнаткашлари
бу йил ажойиб муваффақиятга эришганликлари, дав-
латга пахта, дон, сабзавот, картошка, полиз маҳсуло-
лари, узум, ҳўл мева, пилла сотиш планлари ва соци-
алистик мажбуриятларини ошириб бажарганликлари тўғ-
рисидаги хабар КПСС Марказий Комитетига зўр жам-
нуният билан қутиб олинди. Республиканинг таёрлов
пунктларида 888 миң тонна, шу жумладан 253 миң тон-
на қимматли ипчиқа толали пахта етказиб берилди.

КПСС Марказий Комитети 1978 йил июль Пленуми қа-
рорларини бажаришга қўшилган муносаб ҳиссаидир.

КПСС Марказий Комитети Тожикистон қишлоқ ҳўжали-
ги меҳнаткашлари фан ютуқлари ва илгор таърибадан,
сифорилатдан деҳқончиликнинг катта ижтимоийларидан
фойдаланиб, техниканинг юксак унум билан ишлашга
эришиб пахта, айниқса қимматли ипчиқа толали пахта
етиштиришга, шунингдек деҳқончилик ва чорвачиликнинг
бошқа ҳамма маҳсулотлари етиштиришга янада ўстириш-
ни таъминлайдилар, деб ишонч билдирадид.

Л. БРЕЖНЕВ,
Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Мар-
казий Комитетининг Бош секретари.

Пленум 1980 йилда мам-
лакатни иқтисодий ва социал
ривожлантириш Давлат пла-
ни ва Давлат бюджети лойи-
ҳаларини кўриб чиқиб, асо-
сан маъмуллади. СССР Олий
Советининг иккинчи сессия-
сида тасдиқланган бу ҳўжа-
жатлар эндиликда қонун кучи-
га кирди.

Пленумда КПСС Марка-
зий Комитетининг Бош се-
кретари, СССР Олий Совети
Президиумининг Раиси ўр-
тоқ Л. И. Брежнев катта
нутқ сўзлади. Бу нутқ жада
катта умумпартиявий, умум-
давлат аҳамиятига молик
ҳўжиядир. Леонид Ильич-
нинг нутқида партияимиз ва
совет халқининг шу беш йил-
да бажарган буёндорлиги
ишлари натижалари кўрсати-
либ берилди. КПСС XXV съ-
езди қарорларини бажариш
учун курашда тўпланган

иқтисодий потенциални янада
кўриб чиқаришга кўрсати-
либ берилди. Саноат маҳсуло-
тининг реализация қилиш ўн бир
ойлик планини муаллафидан
илгари, 28 ноябрда бажарди.
Ишлаб чиқариш ҳажми ўтган
йилнинг шу давридагига
нисбатан 3,5 процент ўсди.
Планидан таққари маҳсулот
ишлаб чиқариш юзасидан
олинган мажбуриятлар бажари-
лмоқда.

Беш йиллиқнинг тўрттинчи
йилида ҳам катта зафарларга
эришилди. Саноат маҳсуло-
тининг реализация қилиш ўн бир
ойлик планини муаллафидан
илгари, 28 ноябрда бажарди.
Ишлаб чиқариш ҳажми ўтган
йилнинг шу давридагига
нисбатан 3,5 процент ўсди.
Планидан таққари маҳсулот
ишлаб чиқариш юзасидан
олинган мажбуриятлар бажари-
лмоқда.

(Давоми иккинчи бетда)

(Боши биринчи бетда).

шқадарё областларининг
овадорлари яхши натижа-
га эришдилар. Бугун
енумда уларнинг ҳисоботи
игланади.

